



Мамлакатимизнинг стратегик тарақиётини таъминлашда Янги Конституциянинг роли

Суёнов Дилмурод Холмуродович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг “Бизнесни бошқариш (МВА)” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Кайтаров Воҳид Раимкулович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг доктаранти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Янги таҳрирда қабул қилинган Конституция ва уни қабул қилиш зарурияти ҳамда киритилган асосий ўзгаришлар таҳлил этиш асосида Янги Конституция моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: Конституция, референдум, стратегия, Олий мажлис, суд-ҳуқуқ системаси, ҳуқуқий давлат, ижтимоий ҳимоя, инклюзив таълим.

Кириш

“Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди”. Ушбу ҳаққоний эътироф Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 16 ноябрда имзолаган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишда алоҳида таъкидланган.

“Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз бергани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди...”¹.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда, балким бутун дунёда ўз таъсир доираси ўсаётганлиги, аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, уларнинг ярмидан кўпи ёшлар бўлиши ва уларга яшаш, таълим олиш, меҳнат фаолиятини олиб боришлари учун муносиб шароит яратишда қуйидагилар кераклигилар заруратини келтириб чиқаради:

- Барқарор иқтисодиёт;
- Самарали бошқарув тизими;
- Хавфсиз давлат;
- Ижтимоий кафолат.

Юқоридагилар ва бошқа кўпдан-кўп муаммоларнинг ечими мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворни - янгиланаётган Ўзбекистоннинг-Янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишни ва тасдиқлашни тақозо этди.

Таҳлил

Конституцияни янгилаш ва унда инсон қадрини янада улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини тубдан юксалтириш каби жуда ҳам кўплаб масалаларни ўзида жамлаши ва бу борада халқнинг таклифларини эътиборга олиш ташаббуси билан 2021 йил 7 декабрда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини 8 декабрь - Конституция байрами билан табриклаган нутқида айтиб ўтдилар.

¹ <https://constitution.uz/uz/pages>



Жумладан, “Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур”² деб такидлаганлар.

Янгиланган Конституция матни олимлар ёки мутахассислар томонидан ҳаётимизда, матбуот ва ижтимоий тармоқларда кузатганимиздек кабинетларда ёзилмади. Балки, аввал халқимизнинг фикри, таклифлари 2 босқичда ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди.

Янгиланган Конституция матни олимлар ёки мутахассислар томонидан ҳаётимизда, матбуот ва ижтимоий тармоқларда кузатганимиздек кабинетларда ёзилмади. Балки, аввал халқимизнинг фикри, таклифлари 2 босқичда ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди.



Авваллари Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилган бўлса янгиланган Конституция таклифларни ўрганишнинг 1-босқичида Янгиланган Конституция Биринчи босқичда 60 мингдан зиёд таклифлар ўрганилди ва ушбу таклифларнинг ҳар тўртгасидан биттаси Конституция лойиҳасидан жой олди. Шунингдек, 2-босқичда 150 мингдан ортиқ таклифлар Оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали лойиҳа билан 5 миллион аҳолимиз танишиб чиқди.

Янги таҳрирда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияга Конституциявий қонун билан амалдаги Конституцияга **27 та янги модда киритилди**, моддалар сони 128 тадан 155 тага ошди, Конституциямизнинг амалдаги **275 та нормаси 434 тага** кўпайиб, амалдаги Конституциямиз 65 фоизга янгиланди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда **Кучли ижтимоий ҳимоя ва муҳтожларга ғамхўрлик – давлат сиёсатининг муҳим йўналиши** этиб белгиланган. Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланмоқда. Умуман давлатнинг **ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробарга**

² 2021 йил Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини 8 декабрь - Конституция байрами билан табриклаган нутқи



оширилган.

Жумладан, Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳукуқи белгиланди. Ҳар бир фуқаро, айниқса ёш оилаларнинг ўз хонадонига эга бўлиши, ижтимоий барқарорлик ва ҳаётдан розилик даражасини оширади. Ҳеч ким уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни олдиндан ва тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланди;

Кафолатланган ҳажмда давлат ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатилади. Аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилди. Бу оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга; Ҳар ким қулай атроф-муҳитга эга бўлиши, аҳолимиз ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш учун конституциявий кафолатлар яратилди.

Таълим олиш ҳукуқи ва имконияти кенгайтирилади, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлди.

Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиниши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қондалар ёш авлод ҳаётини яхшилаш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий мутахассисликларни эгаллаган ҳолда ҳаётда ўз ўрнини топиши ва шахсий ривожланиши учун имконият яратади.

Охирги олти йилда олийгоҳлар сони 77 тадан 210 тага, уларга қабул эса, 5 бараварга ортиб, талабалар сони 1 миллионга, олий таълим қамрови – 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Давлат грантлари сони ҳам 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди, шундан, магистратура учун – 5 баравар кўпайди.

Алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбиянинг ташкил этилиши, уларни ҳамма қатори умумий мактабларда ҳам ўқишини йўлга қўйилиши Янги Ўзбекистонда инсон қадрни тамойилининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Конституцияда давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши ва бошланғич профессионал таълим бепул эканлиги ҳам белгиланди.

Конституцияга киритилган янги норма ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги норма миллат ва халқ ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда асосий ўрин тутувчи ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳукуқи берилди. Конституциямизга ушбу норманинг киритилиши профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Таълимга эътибор ва кафолатлар кенгайтирилди. Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга ошдиб, давлат олийгоҳларида давлат ҳисобидан ўқиш белгиланди. Грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Шундан, магистратура учун 5 баравар кўпайди.

Бепул бошланғич профессионал таълим берилди. Бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим кафолатланди.



Фарзандлар таълим олиши ота-она мажбуриятига кирмоқда. Нафақат фарзандлар тарбияси, балки уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ҳам ота- она мажбурияти сифатида белгиланди.

Болалар меҳнати тақиқланди. Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари кучайтирилди.

Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади. Инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланмоқда. Инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланмоқда.

Ушбу қоидалар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди, давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга оширишда масъулиятини оширади ҳамда инсонга меъёридан ортиқ ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олади.

Конституцияда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати энг илғор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилмоқда. Хусусан, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушбу муддат ушлаб туриш қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши (“Хабес корпус” институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги (“Миранда қоидалари”), шунингдек, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу қоидалар шахсий эркинлик дахлсизлигини ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймасликни кафолатлайди.

Янги конституция-парламентаризмни кучайтириш сари дадил қадам бўлди.

Янги Конституцияда қонунчилик палатаси ваколатлари 5 тадан 12 тага Олий Мажлис Сенати ваколатлари 14 тадан 18 тага кўпайди. Назорат органлари устидан Парламент ваколати кенгайтирилди. Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раҳбари номзоди Сенат мақуллагандан сўнг тайинланади, монополия ҳамда коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарлари Сенат томонидан сайланади.

Судьялар олий Кенгаши Сенат томонидан сайланади. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилди.

Фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланди. Фуқаролар ва юридик шахслар, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан мурожаат қилишади.

Яна бир катта ўзгаришлардан бири давлатнинг халқчиллиги янги Конституцияда мустаҳкамланди. Жумладан, Ҳукумат жавобгарлиги кенгайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва функциялари, унинг жавобгарлиги сезиларли даражада кенгайтирилди. Ҳокимларнинг депутатларга раҳбарлик қилиши бекор қилинди. Маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик Ҳокимиятининг бўлиниши мамлакатда бутун давлат бошқаруви тизимини чуқур ислоҳ қилиш учун асос бўлади.



Маҳаллалар давлат ҳокимияти тизимига қирмайди. Ўз ҳудудини мустақил бошқариш, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб давлат билан шериклик асосида муаммоларни ҳал этиб бориш, самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга муҳим имкониятларни тақдим этади.

Журналист фаолиятига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз “Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур” деб таъкидлаганлиги Янги Конституцияда ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини 2021 йил 8 декабрь - Конституция байрами билан табриклаган нутқи
4. <https://lex.uz/docs/6445145>.
5. <https://kun.uz/news/2023/05/02/yangi-konstitutsiya-10-ta-asosiy-ozgarish>.
6. https://cbu.uz/oz/press_center/news/908778/.
7. <https://constitution.uz/uz/pages>.